Биография

Муҳаббат Қурбонова



Муҳаббат Қурбонова 1965 йилнинг кузида Хоразмда зиёлилар оиласида туғилди. Унинг илк устози – отаси – адабиёт муаллими Матёқуб ҳожи Қутлимуродов бўлди. Бўлажак олима 1983 йилда ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ) ўзбек филологияси факультетига ўқишга кирди. Университетни имтиёзли диплом билан битириб, илмий изланишларини давом эттирди. Аспирантурада таҳсил олди. 1993 йилда профессор Карим Назаров раҳбарлигида “Фитратнинг тилшунослик мероси” мавзусидаги кандидатлик диссертациясини ёқлади. Муваффақиятли ҳимоядан сўнг “Ўзбек тилшунослиги” кафедрасида ўқитувчи лавозимида ишлай бошлади. 1998 йилда доцент илмий унвонига сазовор бўлди ва устози, филология фанлари доктори, профессор Раъно Сайфуллаева раҳбарлигида содда гапнинг формал функционал (зотий) талқини бўйича докторлик диссертацияси устида иш бошлади. 2001 йилда “Ўзбек тилшунослигида формал-функционал йўналиш ва содда гап қурилишининг талқини” мавзусидаги докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Профессор Муҳаббат Қурбоновaнинг илмий мақолалари республикамиздан ташқари хорижий давлатларда ҳам эълон қилинган.

Асарлари:

1996 Фитрат тилшунос. Илмий-оммабоп рисола. Т., “Университет”

1997 Абдурауф Фитрат ва ўзбек тилшунослиги. Т., “Университет”

1999 Ўзбек тилининг структурал синтаксиси асослари (ҳаммуаллиф). Т., “Университет”
Единство формы и содержания в синтаксических моделях узбекского языка. О валентности грамматической формы. Русистика в Казахстане: проблемы, традиции, перспективы. Алматы

2002 Ҳозирги ўзбек тилшунослиги. Т., “Университет”

2004 Ўзбек тилининг структурал синтаксиси. Ўқув қўлланма. Тошкент, “Ўқитувчи”

2005 Ҳозирги ўзбек тили. 1-қисм. Тошкент
Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис III қисм (ҳаммуаллиф).

Copyright © 2022
All Rights Reserved.